

Бу битигтош турк хокони Элтариш хоконнинг кичик ўгли Кул тигин кабрига кўйилган. Кул тигин 731 йил 27 февралда кирк етти ёшида вафот этади. Битигтош 732 йилда ўрнатилган.

Кул тигин битиги баландлиги 3 метр 25 см. бўлган мармарга ўйиб ёзилган. Кул тигин битигидаги барча воеалар Кул тигиннинг акаси Билга хокон тилидан (асли исми Мўгулиён) хикоя килинади. Битигни Кул тигиннинг жияни Йўллуг тигин ёзган.

Мазкур битигда Билга хоконнинг ога-иниларида, кариндош-уругларига, халкка мурожаат килиб, уларнинг адашувлари натижасида турк элига кўп фалокатлар келганлиги уқтирилади. Туркийларнинг харбий юришлари, кўшни бўлган табгачларнинг боскинчилиги ва хийлакорлиги натижасида халк бошига тушган кулфатлар афсус-надомат билан хикоя килинади.

Бу сўзларни Билга хоконнинг турк халкига карата айтган, чукур лиризм билан сугорилган юрак сўзлари бўлади. Хоконнинг мурожаатидан максад — хокимиятни мустахкамлаш, ўзаро уруш-жанжалларга чек кўйиш, иттифок бўлиб яшашдир.

Кул тигин афсонавий эпик рухда тасвирланади, достонлардаги сингари доно, баходир инсон сифатида тасвирланади.

Бадиият нуктаи назаридан ўз даврида юксак савияда ёзилган бу битиг туркий халклар ёзма адабиётининг ривожига туртки берган.

КУЛ ТИГИН БИТИГИ

Фалакдай худодан бўлган турк доно хокони бу таҳтга ўтиридим. Сўзимни тугал эшитгин, кейинимдаги ини, жияним, ўгилларим, кон-кардошим, халким, ўнгдаги шадапит беклар, чапдаги тархонлар, буйрук беклар, ўттиз тўккиз ўгиз беклари, халки, бу сўзларимни яхшилаб эшит, диккат килиб тингла!

Олдинга — кунчикарга, ўнга — кун юришга, оркага — кунботарга, чапга — тун ўртасн (шимол)гача бўлган ердаги халклар хаммаси менга карайди. Шунча халкни йигдим. У энди ёвуз эмас. Турк хокони Ўтукан йишда турса, элда ташвиш йўқ. Шимолга — Шантунг чўлигача лашкар тортдим, денгизга бир оз етмадим, Жанубга Тўкуз арсан кабиласигача лашкар тортдим, Тибетга бир оз етмадим. Гарбда Сирдарёни кечиб ўтиб, Темир дарвозагача лашкар тортдим. Шимолга — Ёр Байирку еригача лашкар тортдим, шунча жойгача юриш килдим. Ўтук:йишда яхши хоким йўқ экан. Давлатни тутиб турадиган ер Ўтукан йиш экан. Бу ерда ўрнашиб, Табгач халки билан муросага келдим. Олтин, кумуш, ичкилик, ипакни шунча хисобсиз бераётган Табгач халки сўзи ширин, ипак кийими нафис экан. Ширин сўзи, ипак кийими билан алдаб, йирок халкни шу хилда якинлаштирас экан. Яхши кўшни бўлгандан кейин ёвуз илмни у ерда ўрганар экан.

Яхши, доно кишини, яхши алп кишини йўлатмас экан. Бирор киши адашса, уруги, халки, уйи, ёпинчигигача кўймас экан. Ширин сўзига, нафис ипагига алданиб, кўп турк халки, ўлдинг. Эй турк халки, ўлдинг. Эй турк халки, айриминг жанубга — Чугай йишга, Тўг, Элтан чўлига манзил килай десанг, Турк халкининг айримини у ерда ёвуз киши шундай пишиклар экан: йирок бўлса, ёмон ипак беради, якин бўлса, яхши дебо беради, деб шу хилда пишиклар экан. Илмсиз киши у сўзга ишониб, унга якинлашиб кўп, киши ўлди.

Шимолга борсанг, эй турк халки, ўлажаксан. Ўтукан ерга ўрнашиб карвон юбориб турсанг, хеч кандай ташвиш йўқ. Ўтукан йишни манзил килсанг, мангу давлатни саклаб турражаксан, эй турк халки, тўқис ишонувчансан. Самимий, носамимийни ажратмайсан, ким каттик гапирса, самимийни хам танимайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият килган хоконингнинг сўзини олмайин хар каерга кетдинг, у ерларда бутунлай гойиб бўлдинг, ном- нишонсиз кетдинг. Ўша ерда колганинг хар ерда зўрга ўлиб-тирилиб юрган эдинг. Тангри ёрликагани учун, истеъдодим, баҳтим бор учун мен сизларга хокон бўлдим. Хокон бўлиб йўқ кашшок халкни яхшилаб оёкка тургаздим. Кашшок халкни бой килдим. Оз халкни кўпайтиридим. Ё бу сўзимда ёлгон борми?! Турк беклари, халки, буни эшитинг! Турк халкини тўплаб давлат тутишингизни бу ерда тошга ўйиб ёздим. Адашиб айрилганингни хам бу ерда ёздим. Нимаики сўзим бўлса мангу тошга ўйиб ёздим. Унга караб билинг, туркнинг эндиғи халки, беклари. Уй, дунёгагина карайдиган, кўзига факат мол-мулк кўринадиган беклар, сизлар гумроҳсизлар. Мен мангу тошга хаммасини ўйиб ёздим. Табгач хоконидан наккош келтирдим, накшлатдим. Менинг нуткимни бузмади.

Табгач хокони ўз наккошини юборди. Кул тигинга зиёратгох яраттирдим. Ичи-тошига маҳсус накш солдирдим. Тош ўрнаттирдим, кўнгулдаги сўзларимни у тошга ёздим. Ўн ўқ авлодигача, тотгача буни кўриб билинг! Мангу тош ўрнаттирдим. Бу сайргох бўлгач, макбара сайргох ерда бўлса. Шундай сайргох ерда мангу тош ўрнаттирдим. Ёзув битидим. Уни кўриб шундай деб билинг: бу битиг битилгувчининг (яъни Кул тигиннинг) жияни Йўллуг тигиндир.

Юкорида кўк осмон, пастда кўнгир ер яратилганда, иккисининг ўртасида инсон болалари пайдо бўлган. Ин сон болалари устидан ота-бобом Бўмин хокон, Истами хокон хокон бўлиб ўтирганлар. Улар тахтга ўрнашиб, турк халкининг давлатини, конун-коидаларини тутиб турганлар, риоя килиб турганлар.

Тўрт тараф бутунлай душман экан. Лашкар тортиб, тўрт тарафдаги халкни бутунлай олганлар, бутунлай тобе килганлар. Боши борнинг бошини эгиб таъзим килдирганлар, тиззаси борни чўккалатганлар. Шаркка — Кадиркан йишга, гарбга — Темир дарвозагача ўрнашганлар. Кадиркан билан Темир дарвозанинг орасида хўжайинсиз, уруг хокимиятисиз, чекланмаган ерга бўлиб, асл турк шу тарзда яшар экан. Улар доно хокон экан, баходир хокон экан, вазирлари хам доно ва ботир бўлган бўлиши керак, беклари хам, халки хам тўгри экан. Шунинг учун давлатни шу хилда тутиб турган эканлар, давлатни тутиб, конун-коидаларини яратган, ўзи шу тарзда яшаб, вафот килган.

Азачи, йигичилар шарқдан — кун чикардан Букли чўлилик халк, Табгач, Тибет, Авар, Рим, Киргиз, Уч курикан, ўттиз татар, Китан, Татаби — шунча халк келиб, йиглаган, аза тутган. Шундай машхур хокон экан. Шундан кейин укаси хокон бўлган экан. Ўгли хам хокон бўлган экан. Ундан сўнг иниси огасидай иш тутмаган экан, ўгли отасидай иш тутмаган экан. Тахтга жохил хокон ўтирган экан, бадфеъл хокон ўтирган экан. Вазири хам билимсиз экан, кўркок экан.

Беклари, халки инсофсиз бўлгани учун, табгач халки хийлакор бўлгани учун, тоймас бўлганлиги учун, фирибгар бўлгани учун, ога ва инини бир-бирига кайрагани учун, беги ва халкини бир-бирига чаккани учун турк халки эллашган давлатини кўлдан чикариб юборган.

Хоконлик килиб турган хоконини йўкотиб юборган. Табгач халкига бек бўладиган ўгил боласи билан кўл бўлди, сулув киз боласи билан чўри бўлди. Турк беклари туркча отини

ташлади, табгач бекларининг табгачча отини кабул килиб, Табгач хоконга карам бўлди. Эллик йил меҳнатини, кучини сарф килибди. Шарқда — кунчикарда Бўкли хоконигача лашкар тортиб берибди, гарбда Темир копиккача лашкар тортиб берибди. Табгач хоконига туркларнинг давлатини, хукуматини олиб бериди... Турк фукароси, барча халк шундай дебди: «Давлатни халк эдим, давлатим энди кани? Кимга давлатни эгаллаб беряпман?—дер экан.— Хоконли халк эдим, хоконим кани? Кайси хоконга меҳнатимни, кучимни сарф киляпман?»—дер экан. Шундай деб Табгач хоконига карши бўлибди. Карши бўлиб, кувилиб, ўзини тиклашга умид килиб, яна таслим бўлибди. Шунча меҳнатини, кумуш сарф этганини андиша килмай, Табгач хокони турк халкни ўлдирайин, уругини колдирмайин»,—дер экан ва уни йўкотиб бораётган экан. Аммо юкорида турк осмони, туркнинг мукаддас ери, суви шундай дебди: «Турк халки йўқ бўлмасин», деб, «халк бўлсин», деб отам Элтариш хоконни, онам Элбилга хотунни тангри ўз мартабасида тутиб, юкори кўтарган экан. Отам хокон ўн етти эр билан четга чикиб кетган. Четда юрибди деган овозани эшитиб, шахардаги токка чикибди, тоддаги пастга тушибди, йиглаб етмиш жангчи бўлибди. Тангри куч бергани учун отам хоконнинг лашкари бўридай экан, душмани кўйдай экан, Шаркка-гарбга лашкар тортиб, одам йигибди, оёкка тургизибди. Хаммаси йигилиб, етти юз эр бўлибди. Етти юз эр бўлиб, давлатини йўкотган хоконини йўкотган халкни, чўрига айланган, кулга айланган халкни, турк хукмронлигини бой берган халкни ота- боболарим конун-коидалари бўйича бошкарибди, ташкил килибди. Тўлис, тардущ халкини шу пайтда оёкка тургизганлар.

Ябгуни, шадни ўшандада тайинлабди. Жанубда табгач халки душман экан, шимолда Баз хокон, Тўккиз ўғиз халки душман экан, киргиз, курикан, ўттиз татар, китани, татаби бутунлай душман экан. Отам хокон бунча душманга тенглашиб, кирк етти марта лашкар тортгам, йигирма марта жанг килган. Тангри ёрликағани учун давлати борни давлатсизлантирган, хокони борни хоконсизлантирган, душманни эл килган, тиззаси борни чўккалатган, боши борни эгиб таъзим килдирган. Шу хилда хукмронликни эгаллаб, вафот этган. Отам хоконнинг кабрига биринчи килиб Баз хоконининг балбали тикилди. Ўша хукумат бошига амаким хокон бўлиб ўтирди. Амаким хокон халкни яхшилаб тузатди, тарбият килди. Камбагални бой килди.

Амаким хокон бўлиб турганда ўзим тардущ халки устидан шад эдим. Амаким хокон билан Шаркка Яшил ўгуз (Хуанхэ дарёси) Шантунг текислигигача лашкар тортдик, гарбга—Темир дарвозагача лашкар тортдик. Кўгман ошиб, Киргиз ерига лашкар тортдик.

Хаммаси бўлиб йигирма беш марта лашкар тортдик, ўн уч марта жанг килдик, давлати борни давлатсизлантирилди, хокони борни хоконсизлантирилди, тиззаси борни чўккалатдик, боши борни таъзим эттирилди. Тургаш хокон туркимиз эди, билмагани учун бизга нисбатан янглишгани учун хокони ўлди, вазири, беклари хам ўлди. Ўн ўқ халки

кийинчилик кўрди. Бобомиз, аждодимиз бошкарган ер-сув эгасиз бўлмасин деб, аз халкини тузатиб, тиклаб келдик, жанг килдик. Аз халкига Барс бек эди. Хокон унвонини бунда биз бердик. Синглим хоконзодани бердик. Ўзи адашди, хокони ўлди, халки чўри, кул бўлди. Кўгман ер-сув эгасиз колмасии деб, оз киргиз халкини тиклаб, кайтиб бердик. Шаркда Кадиркан йишни ошиб, халкни шу хилда жойлаштиридик, шу тарзда тузатдик. Гарбда Кангу Тармангача турк халкини шу холда жойлаштиридик, шу хилда тузатдик. У замонда кул кулга эга бўлган эди, чўри чўрига эга бўлган эди.

Шу хилда козонилган, барпо- этилган давлатимиз, коида-конунларимиз бор эди: Турк ўгуз беклари, эй халк- эшитинг! Тепадан осмон босмаган бўлса, пастда ер ёрилмаган бўлса, эй турк халки, давлатингни, хукуматингни ким бузди?

Ўқин, пушаймон бўл, кўргилигинг, такдиринг учун, тарбият килган доно хоконингга, емирилган, кўлдан кет ган яхши давлатингга. Ўзинг адашдинг, орага ёмонни киргиздинг. Куролли кайдан келиб таркатиб юборди, найзали кайдан келиб суриб кетди. Мукааддас Ўтукан йишга бординг, шаркка боролгунча бординг, гарбга борилгунча бординг. Борган ерда яхшилик шу бўлди конинг сувдай оқди, суюгинг тогдай уюлиб ётди, бек бўладиган ўгил боланг кул бўлди, сулув киз боланг чўри бўлди. Билмаганинг учун, ёмонлигинг учун амаким хокон ўлиб кетди.

Унга бошлаб Киргиз хоконнинг балбалини тикдим. Турк халкининг номи, донги йўқ бўлмасин деб отам хоконни онам хотун маликани юкори кўтарилган тангри, давлат берадиган тангри турк халкининг номи, донги йўқ бўлмасин деб, ўзимни у тангри хокон килиб ўрнатди, шекилли.. Мол, йилкилих халкка хокон бўлиб ўрнашмадим. Ичи ошсиз, тоши кийимсиз оч-ялангоч ёвуз, ёмон халк уза ўрнашдим. Иним Кул тигин билан сўзлашдик: отамиз, амакимиз козоган халкнинг оти, донги йук бўлмасин деб, турк халки учун тун ухламадик кундуз ўтирамадим. Иним Кул тигин билан, икки шад билан ўлиб-тирилиб муваффакият козондим. Шу хилда козониб бирлашган халкин бир-бирига ўт-сув килмадим. Мен ўзим хокон бўлиб ўрнашганимга хар ерга кетган халк ўлиб-тирилиб яёв, ялангач кайтиб келди. Халкни тарбият килайин деб, шимолга Ўгуз халки томонга, шаркка Китаний, Татаби халки томонга, жанубга Табгач томонга катта латкар билан ўн икки марта урушдим. Ундан кейин тангри ёрликасин, баҳтим бор учун, насибан бор учун ўлаётган халкни тирилтириб тарбият килдим, ялангоч халкни кийимлик килдим, камбагал халкни бой килдим, оз халкни кўп килдим. Паноҳ талаб давлатида, хаконликда яхшилик килдим. Тўрт жихатдаги халкни бутунлай эл килдим, бир-бирига дўст килдим, бутунлай, менга каради Мехнатни, кучни берувчи шундай хокимиятни козониб иним Кул тигин вафот этди. Отам хокан учганда (ўлганда) иним Кул тигин етти ёшда колди, ўн ёшда Умайдай онам хотун баҳтига иним Кул тигин эр деган ном топди. Ўн олти ёшида амаким хокон давлатини, хокимиятини шу хилда хўлга киритди. Олтин чўб вилоят сугдлари томонга лашкар тортидик. Тор-мор килдик. Табгач, ўнг Тутукдан беш туман кўшин келди,

урушдик.

Кул тигин яёв отилиб хужум килди. Ўнг Тутук йўл- бошчисининг ярокли кўлини тутди, ярокланган холда хоконга армугон килди. У лашкарни ўшанда йўк килдик. Йигирма бир ёшида Чача Сангунга уруш килдик. Энг аввал Тадкан Чурнинг бўз отини миниб хужум килди, у от ўшанда ўлди. Иккинчи бор Ишбара Ямтарнинг бўз отини миниб хужум килди, у от ўшанда ўлди. Учинчи бор Еган Силиг бекнинг тўрик отини миниб, хужум килди, у от ўшанда ўлди. Ярогига, ёпинчигига юздан ортиқ ўқ билан урди. Баданига, бошига битта тегмади.

Хужум килганини, турк беклари, яхши биласиз. У лашкарни йўк килдик. Ундан кейин Ер Байиркули Улуг Эркин душман бўлди. Уни пароканда килиб, Турғи яргун кўлда тор-мор килдик, Улуг Эркин озгина йигити билан кочиб кетди. Кул тигин йигирма олти ёшида Киргиз томонга лашкар тортдик. Найза ботими корни ёриб, Кўгман йишга кўтарилиб юриб, Киргиз халкини уйкуда босдик. Хокони билан Сунга йишда жанг килдик. Кул тигин Байиркунинг ок отини миниб отилиб хужум килди. Бир эрни ўқ билан урди, икки эрни кетма-кет килиб санчди. Ўша хужумда Байиркунинг ок айгирини кураги билан синдириб урди. Киргиз хоконини ўлдирдик, давлатини олдик. Ўша илии Турғаш томонга Олтин йишга кўтарилиб, Иртиш дарёсини кечиб юрдик. Турғаш халкини уйкуда босдик. Турғаш хокон лашкари Бўлучуда ўтдай, бўрондай келди. Жанг килдик. Кул тигин Башгу номли бўз отни миниб хужум килди.

Ўшанда жангга кириб Турғаш хоконнинг вазирини, Аз тутугини ўз кўли билан ушлади. Хоконини ўшанда ўлдирдик, элини олдик. Кора оддий Турғаш халки бутунлай таслим бўлди. У халкни Табарда жойлаштиридик. Кайтиб бориб сугдак халкини тузатайин деб, Сирдарёни кечиб Темир дарвозагача лашкар тортдик. Ундан кейин кора Турғаш халки душман бўлган Кенгарас томонга борди. Бизнинг лашкарларимизнинг оти ориқ, озиги йўқ эди.

Алп эр бизга хужум килган эди. Ўшандай замонда хафа бўлиб Кул тигинни озгина эр билан излатиб юбордик. Катта жанг килибди. Алп Шалчининг ок отини миниб, хужум килибди. Кора Турғаш халкини ўшанда ўлдирибди, кўлга олибди. Кайтиб юриб Кушу тутук билан жанг килибди, унинг жангчиларини бутунлай ўлдирибди. Уйини, бор нарсасини битта хам колдирмасдан хаммасини келтирди, Кул тигин йигирма етти яшарлигига карлук халк бегоналашиб кетгач, душман бўлди. Биз улар билан Тамгидук башда жанг килдик.

Кул тигин шу жангда ўттиз яшар эди. Алп Шалчининг ок отини миниб отилиб хужум килди. Душманнинг икки жангчисини бирин-кетин килиб санчди.

Биз карлукни хам кўлга олдик. Аз халки душман бўлди. Улар билан Коракўлда жанг килдик. Бу пайтда Кул тигин ўттиз бир яшар эди. У алп Шалчининг ок отини миниб отилиб хужум килди. У от ўшанда ўлди. Изгил халки хам ўлди. Тўккиз ўгуз халки ўз халким эди, еру осмон фитнага тўлгани учун хам бизга душман бўлди. Бир йилда беш марта жанг килдик. Энг аввал Тўгу шахрида жанг килдик.

Кул тигин Азманинг ок отини миниб отилиб хужум килди. Олти жангчисини ўлдирди. Кўшин хужум килганда еттинчи жангчини килич билан чопди.

Иккинчи марта Кушлагакда Адиз билан жанг килдик. Кул тигин Аз деган йигитнинг кулранг отини миниб, отилиб хужум килиб, бир жангчини санчди, тўккиз жангчини атрофида айланиб чопиб урди. Адиз халки ўша ерда ўлди. Учинчи марта Бу...нда Ўгуз билан жанг килдик. Кул тигин Азманинг ок отини миниб хужум килди, санчди. Давлатини кўлга киритдик, тўртинчи марта Чуш бошида жанг килдик.

Турк халки оёқдан колди, ёмон бўладиган эди. Илгари келиб колган лашкарини Кул тигин кувиб, қаҳрамон ўнта жангчисини Тўнга тигин азасида курсаб олиб ўлдирдик. Бешинчи марта Азганти Кадазда Ўгуз билан жанг килдик. Кул тигин Азнинг кулранг отини миниб хужум килди, икки жангчисини ўлдирди. Шахарга кайтиб юрмади. Ўгузнинг лашкари ўшанда ўлди. Маги кўргонда кишлаб, баҳорда Ўгуз томонга лашкаримиз билан чиқдик. Кул тигин оила аъзоларимизни бошлаб, ўрдага кетди. Ўгуз душман ўрдани босди. Кул тигин Ўғизнинг ок отини миниб тўккиз жангчини ўлдирди. Ўрдани бермади. Онам хотун, кейинги оналарим, опаларим, келинларим, хонзодаларим, тиригиниз чўри бўлар эди, ўлигингиз чўлу биёбонда, йўлда ётиб колар эдингиз!

Кул тигин бўлмаса, бутунлай бўлар эдингиз. Иним Кул тегин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўтар кўзим кўрмаётгандай, билар аклим билмаётгандай бўлди (эс-хушимдан ажралдим), жоним азобда колди. Дунёни тангри ясади, инсон болалари хаммаси ўладиган килиб яратилган.

Шунчалик алам тортдимки, кўзга ёш келганда, кўнгилга йиги келганда, кайта гам чекдим,

кайта кайгурдим. Икки шад, кейинги ини-жияним, ўгилларим, бекларимнинг кўзи, коши ёмон бўлади деб кайгурдим. Азачи, йигичилар Китаний, татаби халкини бошлаб Удар сангун келди. Табгач хоконидан Исиי Ликанг келди, бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тибет хоконининг аёнларидан бири келди. Гарбдаги — кунботардаги Сугд, Барчакар, Букарак улус ва халкидан Нанг сангун, Ўгул тархон келди.

Ўн ўк ўглимдан, тургаш хоконидан Макарач тамгачи, Ўгуз билга тамгачи келди. Киргиз хоконидан Гардуш Инанчу чур келди. Бино ясовчи, накш солинган битигтош ясовчи табгач хоконининг жияни Чанг сангун келди.

Кул тигин кўй йилида, ўн еттинчи куни вафот этди. Тўккизинчи ойнинг йигирма еттисида азасини ўтказдик. Биносини, накшини, битигтошини маймун йилида, еттинчи ойнинг йигирма еттинчисида бутунлай тугатдик. Кул тигиннинг кабр тошидаги бунча накшни Туйгун Элтабар келтирди.

Шунча битиг битилувчи Кул тигиннинг жияни Йўллуг тигиндир. Йигирма кун ўтириб бу тошга, бу деворга хаммасини мен Йўллуг тигин битидим. Панохталаб ўглонингизга, таянувчингизга кийинчиликда тарбият килар эдингиз. Вафот этдингиз. Тангри яшатувчи дир.